

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 420 Дарё транспортини техник ишлатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-2*

*(2012 йил 17 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 23-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10-сон, 77-модда), 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2002 й., 10-сон, 56-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг бошлиғи томонидан 2000 йил 30 ноябрдаги 01/960-сон билан тасдиқланган Дарё транспортини техник ишлатиш қоидаларига (рўйхат рақами 990, 2000 йил 6 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 23-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 8 август,  
142-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.